

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**РАШИДОВА РАЪНО КАЙИМОВНА**

**АЙДАРКУЛ БАЗАЛТИ АСОСИДА ИССИҚЛИК САҚЛОВЧИ  
МАТЕРИАЛЛАР ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of the Philosophy (PhD)**

**Рашидова Раъно Кайимовна**

Айдаркул базальти асосида иссиқлик сақловчи материаллар таркиби  
ва технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Рашидова Раъно Кайимовна**

Разработка составов и технологии получения теплоизоляционных  
материалов на основе базальтов Айдаркуля..... 21

**Rashidova Rano Kayimovna**

Development of compositions and technologies for obtaining heat-  
insulating materials based on Aydarkul basalts..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**РАШИДОВА РАЪНО КАЙИМОВНА**

**АЙДАРКУЛ БАЗАЛТИ АСОСИДА ИССИҚЛИК САҚЛОВЧИ  
МАТЕРИАЛЛАР ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т983 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Курбанов Абдирахим Ахмедович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сейтназаров Атаназар Рейшназарович**  
техника фанлари доктори

**Искендеров Ахмет Максетбаевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» сентябр соат «14<sup>00</sup>» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1.Тел.:(99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail:info@karsu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№47-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-60-47.факс (99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2021 йил «06» сентябр куни тарқатилди.  
(2021 йил «06» сентябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

**Реймов А.М.**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Курбаниязов Р.К.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,  
т.ф.н., доцент

**Туремуратов Ш.Н.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, к.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда турли хилдаги ўтга чидамли ва футеровкали иссиқлик сақловчи материаллар (ФИСМ)га бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундай турдаги иссиқликка чидамли материаллар рангли ва енгил металлларни ишлаб чиқариш саноати печларида кенг қўлланилиб, соҳа иқтисодиётини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Шу боис, алюмосиликатли ва керамик маҳаллий хомашёлар асосида термик ва физик-механик кўрсаткичлари юқори бўлган ФИСМ олиш технологияси алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда футеровкали иссиқлик сақловчи материалларни ишлаб чиқиш, уларни олишнинг замонавий инновацион технологиялари, юқори ҳароратдаги технологик жараён ва режимларини, арзон маҳаллий минерал хомашёлардан тайёрланган юқори иссиқликка чидамли ҳамда физик-кимёвий хосса ва экологик тоза хусусиятларни намоён қиладиган материалларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, иссиқлик сақловчи футеровкали материалларни куйдириб олишда илк бошланғич хомашёларда юқори ҳароратда рўй берадиган физик-кимёвий жараёнлар, тайёр маҳсулотга мустаҳкамлик берувчи янги керамик кристалли фаза ҳосил бўлишига таъсир этувчи омиллар, боғловчи вазифасини бажарувчи қўшимча ва фракция таркиблари, ҳамда базальт, каолин, шамотлар асосида тажриба намуналарининг технологик хоссаларига таъсирларини аниқлаш, самарадор таркибни олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда мавжуд бўлган конлардан базальт ва каолин хомашёлари асосида саноатнинг муҳим тармоқлари учун иссиқлик сақловчи материалларнинг янги таркибларини яратиш ва олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Айдаркул базальт кони, Қарнаб кони каолини ва шу каолиндан синтез қилинган шамот асосида иссиқлик сақловчи материаллар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2019 йил 17 январдаги ПФ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ПФ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда бир қатор устувор йўналишларда базальтларни қайта ишлаш усулларини ўрганиш, турли хил маҳсулотлар, композит иссиқлик сақловчи ва металл ўрнини босувчи материалларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Базальт асосидаги иссиқлик сақлаш хусусияти билан боғлиқ бўлган турли хил назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижалари А.Ю.Канаев, А.К.Кайракбаев, Е.М.Дятлов, Т.А.Вареников, Elisa Moretti, З.Р.Кадыров, А.А.Турабаев, А.М.Эргашев, А.О.Третьяков, Е.В.Чекушин, Д.Д.Джигарис, М.Ф.Махов, С.Т.Токунов, Д.Д.Гуламов, Н.Э.Искандаров, И.Х.Хамрабаев, М.И.Искандарова, А.А.Курбанов, В.Ш.Махмудов ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Бугунги кунда маҳаллий хомашёлар асосида футеровкали иссиқлик сақловчи материалларни ишлаб чиқиш бўйича етарли маълумот мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Аммо амалда қўлланиладиган футеровкали иссиқлик сақловчи материалларнинг таркиблари бир биридан фарқ қилиб, хизмат қилиш муддатлари ҳам ҳар хил ҳисобланади. Ўзбекистонда футеровкали материалларни ишлаб чиқариш технологияси ва корхоналарнинг камлиги сабаб, охириги уч йилда ушбу қурилиш материалларига бўлган талаб 1,5 мартага ошганига қарамасдан 70% дан ортиғи импорт ҳисобига қондирилмоқда. Мана шу муоммодан келиб чиқиб, маҳаллий хомашёлардан ФИСМнинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиб, республикадаги саноат корхоналарида ишлатиладиган енгил металлларни эритиш печларининг ички деворларини қоплаш учун хизмат қиладиган материаллар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Таклиф қилинаётган технологиянинг техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоблари янги турдаги маҳсулот таннарҳининг амалдаги аналогларига нисбатан 2 баробар арзонроқ эканлигини кўрсатади.

Аммо ҳозирги кунда мавжуд илмий адабиётларда биз танлаган тадқиқот объектлари, «базальт:каолин:шамот» аралашмаси бўйича ва уларни «қуруқ қайта ишлаш» усулидан фойдаланиб, ФИСМ олишнинг амалий тадқиқ қилиш масалалари етарлича кўриб чиқилмаган.

Шундай қилиб, базальт, каолин ва шамот минераллари аралашмасини «қуруқ қайта ишлаш» жараёнини чуқур тадқиқ қилиш зарурияти туғилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №А-5-030 – «Маҳаллий хомашёлардан ўтга чидамли ва композицион материаллар олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Айдаркул базальти, Қарнаб каолини ва шу каолин асосида синтез қилинган шамот хомашёларидан иссиқлик сақловчи материалларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Айдаркул кони базальти, Қарнаб кони каолинининг кимёвий ва минералогик таркибларини ҳамда олинган натижаларни замонавий ИҚ-спектр, рентген фазали ва дифференциал термик усулларда тадқиқ қилиш;

Қарнаб каолини асосида шамот синтез қилишнинг физик-кимёвий асосларини яратиш, жараёнга таъсир қилувчи оптимал технологик омилларни илмий асослаш, олинган шамотни турли усулларда таҳлил қилиш;

Айдаркул базальти, Қарнаб каолини ва унинг асосида олинган шамотдан футеровкали иссиқликдан сақловчи материаллар (ФИСМ) олишнинг энг мақбул шароитларини ва юқори ҳароратларда пиширишдаги физик-кимёвий жараёнларини дифференциал термик таҳлиллар ёрдамида ўрганиш;

«Базальт:каолин:шамот» асосида олинган оловбардош ФИСМ намуналарининг кимёвий ва минералогик таркибларини ҳамда физик-механик, иссиқлик ўтказувчанлик хоссаларини тадқиқ қилиш;

Айдаркул базальти, Қарнаб каолини ва унинг асосида олинган шамотни «қуруқ қайта ишлаш» усули билан «базальт:каолин:шамот» тизимида иссиқликдан сақловчи материаллар олишнинг технологиясини яратиш ва уни ишлаб чиқариш шароитларида синовдан ўтказиш;

маҳаллий хомашёлардан янги авлод ФИСМлар ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемасини яратиш ва унинг таснифини бериш;

илмий тадқиқотлар натижаларига экологик ва иқтисодий баҳо бериш ва улардан илмий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Айдаркул базальти, Қарнаб каолини ва ушбу каолин асосида синтез қилинган шамотлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий ресурслар асосида юқори ҳароратларда ишловчи кам қувватли енгил металлларни эритиш печлари ички деворлари юзаларини футеровкалаш учун самарали ФИСМлар таркибларини ишлаб чиқиш, тажриба намуналарнинг физик-кимёвий, механик хоссаларини ва юқори ҳароратдаги куйдириш жараёнларини тадқиқ қилиш, уларни олиш технологиясини тўлиқ илмий асослаш ҳамда бу турдаги маҳсулотларнинг янги авлодини ишлаб чиқариш усули ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик-кимёвий, рентгенофаза, ИҚ-спектроскопик, ДТА-дифференциал термик анализ, электрон микроскопик таҳлил усулларида фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк маротаба Айдаркул кони базальти ва Қарнаб кони каолинининг кимёвий ва минералогик таркиблари аниқланган ва ушбу маҳаллий хомашёлардан импорт ўрнини босувчи ФИСМлар олиш имкониятлари аниқланган;

Қарнаб кони каолинидан шамот синтез қилиш мумкинлиги ҳамда олинган шамотнинг физик-механик ва иссиқлик бардошлилик хоссалари асосланган;

яратилган янги авлод «базальт:каолин:шамот» тизимидаги компонентларининг оптимал таркиби 50:30:20 нисбатдалиги ва ФИСМни ҳосил қилишдаги оптимал ҳарорати 1415 °С лиги аниқланган;

«куруқ қайта ишлаш» усули билан ФИСМ олишнинг такомиллаштирилган технологияси ва стандарт талабларига жавоб берувчи юқори сифатли иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқилган;

олинган ФИСМнинг физик-механик ва термотехник кўрсаткичлари ҳамда намуналарнинг иссиқликдан камайиши ва иссиқлик ўтказувчанлиги аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Айдаркул базальти, Қарнаб каолини ва шамот асосида импорт ўрнини босувчи оловбардош таркибларни олиш имконияти яратилган;

«базальт:каолин:шамот» тизими асосида ФИСМ олишнинг рационал технологик тизимлари ишлаб чиқилган ва жараённинг технологик режимлари аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги ФИСМ ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган принципаал технологик схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенфаза, ИҚ-спектроскопик) таҳлил натижалари, Навоий кон-металлургия комбинати Марказий илмий тадқиқот лабораториясида амалиётга жорий қилинганлиги ҳақидаги далолатнома билан тасдиқланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги турдаги самарали ФИСМ олиш технологиясини ишлаб чиқишга асос бўладиган, таркибида «базальт:каолин:шамот» тизимининг юқори ҳароратларда ўзаро таъсирлашуви бўйича янги илмий маълумотлар олинган. Янги турдаги футеровкали иссиқликдан сақловчи материаллар олишнинг мақбул таркиби, компонентлар нисбатлари ва жараёни олиб боришнинг технологик тартибларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган ФИСМлар кам қувватли, енгил металлларни эритишда ишлатиладиган печларнинг ички юзасини футеровкалаш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Айдаркул базальти асосида иссиқлик сақловчи материаллар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:



футеровкали иссиқлик сақловчи материаллар Навоий кон-металлургия комбинати Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 23 ноябрдаги 02-06-07/11643-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизга импорт бўлиб кираётган ушбу турдаги маҳсулотларни арзон таннархли маҳаллий ФИСМларга алмаштириш имконини берган;

базальт асосида иссиқлик сақловчи материаллар технологияси Навоий кон-металлургия комбинати Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 23 ноябрдаги 02-06-07/11643-сон маълумотномаси). Натижада, футеровкали иссиқликдан сақловчи материаллар энгил металлларни эритиш печларининг ички девориларига қоплаш ва таъмирлаш давомийлигини 1,8 йилдан 2,5 йилгача узайштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 5 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иссиқликдан сақловчи материалларни ишлаб чиқариш технологиясининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда иссиқликдан сақловчи материаллар ишлаб чиқаришининг ҳолати кўриб чиқилган. Дунё ва мамлакатимиз илмий-техник манбаларидан олинган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида энгил металлларни эритиш печини футеровкалаш учун иссиқликдан сақловчи материалларни ишлаб чиқаришда магнезиал ва бошқа қимматбаҳо минерал хомашёлардан фойдаланилганлиги аниқланди.

Ўзбек олимларининг ноанъанавий гилли хомашёлардан иссиқликдан сақловчи керамик материалларни олиш илмий тадқиқотлари бўйича ижобий баҳо берилган. Шунинг учун, бу омил маҳаллий сочилувчан ва гилли материал хомашёларидан футеровкали гишт шаклидаги ФИСМни олиш технологиясини яратиш ва уни республика рангли металлургия саноатининг эритиш печларида қўллаш зарурлигини кўрсатади. Адабиёт ва патент манбалари таҳлили натижасида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг **«ФИСМ намуналарининг физик-механик хусусиятларини аниқлаш усуллари»** деб номланган иккинчи боби Айдаркул базальти, Қарнаб каолини ва шамотлар асосида иссиқликдан сақловчи материалларнинг таркибини, ҳар хил хоссаларини ва бошқа ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг кимёвий, ҳамда замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларига бағишланади.

Дастлаб Айдаркул базальти, Карнаб каолини хомашёларнинг моддий таркиб хусусияти, иссиқлик билан ишлов берилган массаси ўрганилди. ФСИМ намуналарини тадқиқ қилиш жараёнида физик-кимёвий усуллар кимёвий, рентген, микроскопик, ИҚ-спектроскопик усуллар ёрдамида амалга оширилди.

Иссиқлик сақловчи материаллар таркибини ташкил этувчилар миқдорини аниқлашда Bruker AXS D8 Advance, Bruker, Germany дифрактометрдан фойдаланилди. Cu-K $\alpha$  – катод, қадам – 0,05, тезлиги 2 град./мин. Рентген тасвирларини ўқиш учун Match! program package (Crystal Impact GbR, Bonn, Germany) дастуридан шунингдек оптик таҳлилдан фойдаланилди.


Дифференциал-термик таҳлилда хомашёларнинг фазалар ўзгариши, барқарорлик диапазони ёки ўрганилаётган материаллар ва тажриба намуналарини ҳарорат ўзгариши билан содир бўладиган ўзгаришларини RLabsysEvo-1A Setaram ускунасида ўрганилди. Т-900, ТГ-200, ДТА–1/10 платинали тигельни қиздириш тезлиги 10 град./мин.ни ташкил қилди. Эталон сифатида Al $_2$ O $_3$  дан фойдаланилди. Аноорганик моддалар ва иссиқлик сақловчи материалларни ташкил этувчи таркибининг ўзгаришларини аниқлаш учун ИҚ-спектрометрия усули қўлланилди. Намуналарнинг ИҚ-спектрлари 850-1050 см $^{-1}$  оралиғида BRUKER, TENSOR 27-3772 спектрофотометрида олинди.

Диссертациянинг **«Базальт, каолин, шамот асосида иссиқликдан сақловчи футеровкали материалларнинг таркибини ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи бобида ўтга чидамли ФИСМ иссиқликни сақловчи материаллар ишлаб чиқариш мақсадида, Айдаркул ва Қарнаб конлари хомашёларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилган.

Айдаркул базальт конининг 15 та жойидан олинган намуналарининг кимёвий таҳлил натижалари асосида ўртача таркиби (масс.%): SiO $_2$ -57,1; TiO $_2$ -2,1; Al $_2$ O $_3$ -9,5; CaO-9,4; MgO-3,0; FeO-5,3; Fe $_2$ O $_3$ -3,4; K $_2$ O-0,13; Na $_2$ O-3,4; MnO $_2$ -0,08; P $_2$ O $_5$ -0,04; H $_2$ O-1,04 бўлган базальт намунаси танлаб олинган. Булардан базальт тоғ жинсининг таркибий қисмида магний,

натрий, кремний, темир, алюминий, кальций ва бошқа кимёвий элементлар эса кам миқдорни ташкил қилади. Базальтнинг фаза таркиби ва ҳароратда ўзини тутиш ҳолатлари ИҚ-спектроскопик, рентген ва дифференциал термик таҳлил усуллари билан ўрганилди.

Nicolet-6700 ускунасида олиб борилган ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар базальт жинсларининг структуравий хусусиятлари ва таркибий қисм материалларнинг ҳолатини аниқлаш имконини берди. Тадқиқот натижалари 1-расмда келтирилган.



1-737,0  $\text{cm}^{-1}$  - ютилиш чизиғи; 2-474,1  $\text{cm}^{-1}$  - кремний кислотодли тетраэдрик тебраниш

**1-расм. Айдаркул кони базальтнинг ИҚ-спектри**

737,0  $\text{cm}^{-1}$  ютилиш чизиғи Si-O-Si боғланишларининг деформацион тебранишларига тегишли бўлиб, 474,1  $\text{cm}^{-1}$  бўлса кремний кислотодли тетраэдрик тебранишларга мос келади. Базальтнинг суюқланиш маҳсулотларининг ИҚ-спектрлари алюминий оксидининг кремний кислотод полианионининг тўрини қуриб битказиши ва ўзи  $[\text{AlO}_4]^{5-}$  кўринишида тасвирланиши ҳақида хулоса беради. Бу жараёнда темир оксидининг қатнашиши  $[\text{Fe}^{2+}\text{O}_{4/2}]$  кўринишидаги тетраэдрик координацияси материалда кўшимча иссиқлик бардошлиликни пайдо қилади.


Базальтнинг рентгенографик тадқиқот натижалари кристалл фазанинг минералогик таркиби (масс.%) кальцит  $\text{CaCO}_3$ -29,8; альбит  $\text{NaAlSi}_3\text{O}_8$ -27,7; кварц  $\text{SiO}_2$ -57,1; (Mg, Fe, Al, Ti), (Ca, Na, Mg, Fe)  $(\text{SiAl})_2\text{O}_6$ -6,6 ишқорий базальтдан ташкил топганини кўрсатди.

Дифференциал термик анализ асосида 80-2400  $^\circ\text{C}$  да термолиз жараёнининг эндотермик эффекти кузатилиб, бу гилли аралашмаларнинг парчаланиши ва гигроскопик сувнинг йўқотилиши натижасида содир бўлиши аниқланди.

520  $^\circ\text{C}$  ҳароратда эндотермик эффект чизиқларининг сусайиши ва массанинг бироз ортиши кузатилади, бу базальтнинг таркибий қисмининг

ўзаро ўзгаришига мос келади. Бундан ташқари 150-700 °C ҳарорат оралиғида масса йўқотилиши 11,46 %, 750-1200 °Cда - 23.7% эканлиги аниқланди. Бу ҳолатни оксидловчи муҳитда 600-900 °C гача қиздирилганда оливин, темир монооксиди темир (III) оксидигача оксидланади ва оливин, форстерит ( $2\text{MgOSiO}_2$ ) ва клиноенстатит ( $\text{MgOSiO}_2$ )га ўтади, деб тушунтириш мумкин. 1200 °C дан юқори температурада темир оксиди форстерит билан ўзаро таъсирлашиб магний метасиликат ҳосил қилади.

Қарнаб кони каолинининг таркиби ва хоссалари (эриш нуқтаси, зичлиги, ғоваклиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, солиштирма иссиқлик сиғими ва бошқалар.) ўрганилди. Таққослаш мақсадида Алянс, Заҳқудуқ, Урозали ва Алтынтау конларининг кимёвий таркиби ва заҳира миқдорлари аниқланди. Минералнинг кимёвий таркибида алюминий оксиди (31 % гача) кремний оксиди (65 % гача) мавжудлиги аниқланди. Уларнинг кимёвий формуласи асосан  $\text{Al}_4[\text{Si}_4\text{O}_{10}](\text{OH})_8$ га тўғри келади. Бу конлар ичида Қарнаб каолини заҳираси (ғарб қисмида 196 минг тонна ва шарқий қисмдаги участкада 576 млн.тонна) етарлича бўлиши ҳамда таркибида кремний, алюминий ва темир оксидлари кўплиги билан алоҳида ажралиб туради.




**2-расм. Қарнаб кони каолинининг дериватограммаси**

Қарнаб кони каолинининг термик ўзгаришларини аниқлаш мақсадида, дифференциал термик таҳлиллар RLabsysEvo-1A Setaram ускунасида олиб борилди. Тадқиқот натижалари 2-расмда келтирилган.

Дериватограмма натижаларидан жараён 236-950 °C оралиқларида кечиши аниқланди. Бу ерда масса йўқотиш 6,34 % дан 19,8 % гача бўлиши маълум бўлди. 950 °C дан кейин ҳеч қандай масса йўқотилиши кузатилмади.

Қарнаб кони каолини асосида шамот синтези куйидаги тарзда тайёрланди. Олдиндан бойитилган Қарнаб каолинидан тахминан 10 кг (шахтали печнинг ҳажмидан келиб чиқиб) олинди. Каолин юқори ўтга чидамлилиқ, паст пластиклиқ ва боғловчилик хусусиятига эга.

Умуман олганда, каолинга иссиқлик таъсирида ишлов бериш вақтида унда куйдириш таъсиридаги фазалар ўзгаришлари кузатилди ва бу жараёни куйидаги формула ёрдамида изоҳлаш мумкин:



Қарнаб кони каолини асосида шамот синтез қилиш тадқиқотлари 1300-1500 °С да олиб борилди. Каолинга иссиқлик билан ишлов бериш жараёнида уларнинг кимёвий таркиби ўзгариб,  $Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$  шамотга айланди.

Лаборатория шароитида, «базальт:каолин:шамот»нинг нисбатлари (мас.%): 20:50:30; 30:30:40; 30:20:50; 40:50:10; 60:20:20; 70:10:30 ва 50: 30: 20 тарзда тайёрланди. «Базальт:каолин:шамот» аралашмалари нисбатларининг бундай танланиши, каолин заррачаларининг дисперцияланишининг тақсимотига ижобий таъсир кўрсатиши ва аралашма таркибини қайта структураланишида муҳим роль ўйнаши билан изоҳланади.

ФИСМни «базальт:каолин:шамот» дан юқоридаги нисбатларда олишда, тайёрланган масса 0,09-0,074 мм гача янчилди. Тайёр бўлгач, нам футеровкаладиган омукта 150 МПа босим остида прессланди. Ҳамма намуналар (футеровкали ғиштлар) 200 °С да қуритишдан кейин пишириш жараёнида 1200-1450 °С да олиб борилди. Тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ФИСМ учун минерал хомашёнинг мақбул нисбатларини аниқлаш бўйича олинган тажриба тадқиқот натижалари


№	ФИСМ ни ташкил этувчиларининг номи	Компонентларнинг нисбатлари, %	Футеровка материал намуналарининг пишишдаги натижалари					
			Пишириш ҳарорати, °С					
			1200	1250	1300	1350	1400	1450
1.	«базальт: каолин: шамот»	30:30:40	дарз кетган	-	-	-	-	-
2.		30:20:50	турғун	дарз кетди	-	-	-	-
3.		40:50:10	турғун	турғун	парчalandи	-	-	-
4.		50:40:10	турғун	турғун	турғун	турғун	парчalandи	парчalandи
5.		60:10:30	турғун	турғун	турғун	турғун	барқарор	парчalandи
6.		70:20:10	турғун	турғун	турғун	турғун	суюқланди	
7.		50:30:20	барқарор	барқарор	барқарор	барқарор	барқарор	

Тажриба натижаларидан кўриниб турганидек, «базальт:каолин:шамот» массанинг 50:30:20 нисбатида жараёнинг барқарор оптимал пишириш

харорати аниқланди. 50:30:20 масса нисбатининг кейинги пиширишдаги хароратини 1450 °C гача кўтариш ижобий натижалар бермади.

ФИСМ олиш жараёнини ўрганиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, «базальт:каолин:шамот» композициясининг 50:30:20 масса нисбатлари футеровкали материал ишлаб чиқариш учун энг мақбул вариант ҳисобланади.

Базальт, каолин, ФИСМ нинг 50:30:20 мақбул нисбати ва шамотнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг хароратга боғлиқлигини ўрганиш натижалари 3-расмда келтирилган.



**3-расм. 1-базальт, 2-каолин, 3-ФИСМнинг 50:30:20 нисбати ва 4-шамотнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг хароратга боғлиқлик графиги**


Тадқиқот натижаларига кўра, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг хомашё ва тайёр маҳсулотларда хароратнинг 200 дан 1400 °C гача кўтарилиши билан 2,3 дан 0,8 Vt/m·K гача ортиши кузатилди. ФИСМ нинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг энг паст кўрсаткичига эга бўлиб, 1400 °C да 0,8 Vt/m·K ни ташкил этди.

Каолиннинг омухтадаги миқдори ва куйдириш хароратининг ФИСМнинг зичлигига таъсири ўрганилди. Омукта таркибида каолин миқдори 20% бўлганда куйдириш харорати 200 дан 1300°C хароратга кўтарилганда ФИСМнинг зичлиги 2,1 г/см<sup>3</sup> бўлиши, айти пайтда омухта таркибида каолин миқдори 30% га етказилганда куйдириш хароратини 200 дан 1400°C гача кўтарилиши ФИСМнинг зичлиги 2,8 г/см<sup>3</sup> га ошиши кузатилди. Куйдириш жараёнида омухта таркибидаги каолин миқдорининг ФИСМнинг зичлигига таъсири тадқиқот натижалари 4-расмда келтирилган.

Дастлабки ФИСМ омухтасининг ва унинг термик ишлов берилгандан сўнгги маҳсулотининг фазовий таркиблари рентгенографик таҳлиллар ёрдамида ўрганилди.


Bruker AXS D8 Advance қурилмасида ўтказилган рентгенографик таҳлилларга кўра, материалларнинг кристалл фазалари кальцит, анортит,

хлорит, оз миқдордаги магнетит ва альбитдан иборатлиги кўрсатилди. 5-6-расмларда 50:30:20 масса нисбатда олинган «базальт:каолин:шамот» аралашмасининг рентгенограммалари берилган.




1 – 20% каолин учун; 2 – 30% каолин учун

**4-расм. Куйдириш жараёнида омухта таркибдаги каолин миқдорининг ФИСМ зичлигига таъсири**



**5-расм. «Базальт:каолин:шамот» таркибли омухтанинг куйдирилмасдан олдинги рентгенограммаси**




**6-расм. «Базальт:каолин:шамот» таркибли ФИСМнинг рентгенограммаси**

Дифференциал термик таҳлил натижаларига кўра, иссиқлик сақловчи материални вақт бирлигидаги иссиқликка бардошлилик ва енгил металлларни 900-1400 °С ҳарорат оралиғида суюлтириш кўрсаткичи билан баҳоланади.

Куйдирилмаган омухта ва омухтани термик ишлов бериб олинган ФИСМ мос келадиган мустаҳкамликка ва стандарт шаклга эга бўлиб, барча технологик талабларга жавоб беради. Баён қилинганлар рентгенографик тадқиқот натижалари билан ўз тасдиғини топган.


7-8-расмларда дастлабки базальт ва «базальт:каолин:шамот» таркибли маҳаллий хомашёларнинг мажмуасидан тайёрланган омухтанинг пишишгача ва пишишдан кейинги микроструктуралари МБС-10 микроскопидаги тасвирлари келтирилган.

Айдаркул кони базальти майда порфирланган жинс бўлиб, аллотриаморф заррачали структурага эгаллиги аниқланган. ФИСМнинг микроскопик тасвирлари жинснинг структураси пишишдан олдин ва кейин ҳар хил кўринишга эгаллиги аниқланди. Бунда компонентлар жойлашуви тартибланган ва элементларни ташкил қилувчиларини бириктирувчилари бирикмалар эканлиги илмий асосланди.



а)


а) майда-порфирланган;



б)


б) афирланган структура, х150

**7-расм. Айдаркул кони базальтининг микроструктураси**



а)

а – омухтанинг пишишгача;



б)

б – омухтанинг пишишдан кейинги кўриниши, х100

**8-расм. ФИСМнинг микроскопик расмлари**

2-жадвалда классик ва таклиф этилаётган материал таркибларининг физик-механик тавсифлари, ҳамда ФИСМнинг технологик сарф-харажатлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.



Классик ва таклиф этилаётган материал таркибларининг физик-механик тавсифлари ҳамда ФИСМнинг технологик сарф-ҳаражатлари

Маҳсулот номи	Намуналар	Футеровкали ғиштларнинг хоссалари					Тайёр маҳсулот таннарҳи сўм
		Рухсат этилган пишиш ҳарорати °С	Ўртача зичлик, г /см <sup>3</sup>	Иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $Vt/(m \cdot K)$ .	Ранг	Маҳсулот массаси кг	
Шамотли футеровкали ғишт	№1	1200÷1550	1,8-1,9	1,8	Жигар ранг	3,8	17000
Жигар ранг Қизил ғишт	№2	700-750	1,6	1,8	Кул ранг	3,2	15000
Клинкерли ғишт	№3	1100÷1200	1,9-2,1	1,9	Оқ	4,0	17000
Базальтли футеровкаланган ғишт	№4	1200÷1415	2,8	0,8	Куйдирилган кўнғир ранг	4,2	12560

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, яратилган ФИСМ таннарҳи классик усулда олинган иссиқликдан сақловчи маҳсулотлардан бир неча баробар арзон ва технологик кўрсаткичлари бўйича қолишмайди.

Диссертациянинг «Базальт асосида футеровкали иссиқликдан сақловчи материаллар олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида Айдаркул базальти, Қарнаб каолини ва унинг асосида синтез қилинган шамотдан олинган ФИСМ «Бекобод огнеупор» ишлаб чиқариш кўшма корхонасида синалган ва ижобий баҳо берилган.

Ўтказилган тажриба синов ва назарий тадқиқотлар натижасида ҳамда жаҳон тажрибасидан олинган маълумотлар «базальт:каолин:шамот» компонентларининг комбинациясидан ташкил топган базальтли ФИСМ масса улуши: 50:30:20 юқори иссиқлик сақловчанлиги, эксплуатацион ва технологик тавсифлари билан ажралиб туришини кўрсатди.

Диссертацияда тавсия этилган хомашёларни тайёрлаш ва ФИСМнинг «куруқ қайта ишлаш» усули ёрдамида ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси 9-расмда келтирилган бўлиб, улар ФИСМ ишлаб чиқаришни тўлиқ акс эттиради. Каолин хомашёси юкланадиган бункер (1) га йуналтирилади, базальт юкланадиган бункер (2) га ва шамот (3) юкланадиган бункерга тушади. Аралашмани ташкил қилувчиларини тайёрлаш учун «базальт:каолин:шамот» минерал массалари 50:30:20 нисбатда куракли аралаштиргич (4) га тушади. Ҳосил бўлган аралашма майдалагич ШД-6 (5) га юборилади. У ерда аралашмадаги компонентларнинг ўлчами 5÷6 мм гача майдаланади. Шундан кейин, майдаланган аралашма ғалвир (6) га ўтказилади. Кейин майдаланган хомашё ғалвирга берилади. Ғалвирда

аралашма панжара усти (+5 мм) ва панжара ости (-5 мм) ярим маҳсулотларига ажралади.



1 – каолин юкланадиган бункер; 2 – базальт юкланадиган бункер; 3 – шамот юкланадиган бункер; 4 – куракли аралаштиргич; 5 – майдалагич; 6 – ғалвир; 7 – қуритиш барабани; 8 – шарли тегирмон; 9 – аралаштиргич; 10 – қолиплаш агрегати; 11 – қуритиш конвейери; 12 – тунелли печь

### 9-расм. «Базальт:каолин:шамот» асосидаги ФИСМни ишлаб чиқаришнинг принциал технологик схемаси

Панжара усти маҳсулоти қайта майдалашга юборилади, панжара ости ярим маҳсулоти ундаги намликни йўқотиш учун қуритиш печи (7) га ўтказилади. Қуритишдан кейин эса ярим маҳсулот шарли тегирмон (8) га юборилади. Барча жараёнлар металлургия саноати технологик талаблари асосида амалга оширилади. Шу сабабли, янчилган тоғ жинслари массаси талаби буйича 90 % гача миқдорда 0,074 ммли ўлчамли зарралардан иборат бўлиши талаб этилганлиги сабабли, шу ўлчам назоратда сақланади. Кейин янчилган масса аралаштиргич (9) га тушади, сўнгра эса шакл бериш, яъни қолиплаш агрегати (10) машинасига берилади. У ерда алоҳида формага эга бўлган маҳсулот қуритиш конвейери (11) орқали ўтказилади. Кейин эса охириги вазифа, маҳсулот куйдиришга юборилади. Куйдириш жараёни 6 соат мобайнида 1200-1450 °С ҳарорат оралиғида амалга оширилади. Ниҳоят, олинган маҳсулот тайёр базальт асосидаги ФИСМ бўлиб, амалда қўлланилишга тайёр бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий базальт минерали асосида олинадиган футеровкали иссиқлик сақловчи материаллар амалда қўлланишга яроқли эканлиги исботланди. Улар кам қувватли енгил металлларни эритиш печларининг ички деворини қоплама материали сифатида ишлатиш ижобий натижалар билан яқунланди. Диссертацияда келтириб ўтилган бу амалларнинг, барчаси тажрибалар асосида текшириб кўрилди ва стандарт

талаблар орқали таққосланилди ва НКМК Марказий лабораторияси қуйиш синов цехида текшириб кўрилиб, ижобий баҳо олинди.

Аниқландики, таклиф қилинган футеровкали иссиқлик сақловчи материалда каолин ва шамотнинг бўлиши ФИСМ оловбардошлилигини 1415°C хароратгача кўтариш имконини берди.

Шундай қилиб, масса %: 50:30:20 таркибли ФИСМнинг тажриба намуналари Навоий кон-металлургия комбинати ДК Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси шароитида ва «Бекабад огнеупор» ҚК шароитида ишлаб чиқариш синовларидан ўтди ва далолатномалар билан тасдиқланди.

## ХУЛОСА

Диссертация иши бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. Илк бор Айдаркул базальти, Қарнаб каолини ва унинг асосида синтез қилинган шамот хомашёларидан эксплуатацион кўрсаткичлари яхшиланган ФИСМнинг янги авлод турини олиниши назарий асосланди ва тажрибалар орқали тасдиқлаб берилди. Бу маҳаллий хомашёларнинг физик-кимёвий, механикавий ва бошқа хоссалари, жумладан, термик ишлов беришдаги фазавий алмашинувлари аниқланди.

2. Турли хил фракцияларда янчилган каолинни куйдириб шамот синтез қилиш жараёнида пиширишнинг оптимал хароратлари 1500 °С эканлиги аниқланди. Тайёрланган шамотнинг диаметри - 2 мм, намликни ютиш коэффициенти - 5-7 %, суюқланиш харорати -1550-1650 °С эканликлари аниқланди. Синтез қилинган шамот ФИСМнинг юқори физик-механикавий ва юқори хароратларга чидамлилигини ошириб бериши илмий асосланади.

3. Кенг камровли илмий изланишлар натижасида, таркибида юқори оксидлар-Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, SiO<sub>2</sub>, TiO<sub>2</sub> ва MgO сақловчи базальт, каолин ва шамот асосида «куруқ қайта ишлаш» усулидан фойдаланиб, ФИСМ олишнинг физик-кимёвий асослари аниқланди. Кўп сонли тадқиқотлар натижасида «базальт:каолин:шамот»нинг оптимал таркиби 50 % базальт, 30 % каолин ва 20 % шамот эканлиги, ҳамда пиширишнинг оптимал харорати 1415 °С эканлиги аниқланди. Оптимал таркиб асосида тайёрлаган ФИСМнинг иссиқликка чидамлилик хусусияти 200 сменагача иш давомийлиги сақланиши, зичлиги -2,8 г/см<sup>3</sup> га, оловбардошлилиги -1400 °С га ва иссиқлик ўтказиш коэффициенти - 0,8, Vt/(m·K)га тенглиги илмий асосланади. Натижада эксплуатацион хусусиятлари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари импорт аналогларидан устун бўлган, янги авлод футеровкали иссиқликдан сақловчи материаллар технологияси тавсия этилади.

4. Яратилган футеровкали композициянинг барча физик-механик, иссиқлик-терик ва эксплуатацион хоссалари ўрганилди. Технологик омилларнинг маҳсулот хоссаларига, заррачаларнинг тенг тақсимланишига, намликка ва формовка қилишга таъсири ўрганилди. Хомашёни дастлаб ишлов беришда уни қабул қилишдан бошлаб, тайёр маҳсулот бўлиб чиққунга

қадар бўлган жараённинг принципиал технологик схемаси таклиф қилинди ва унинг тўлиқ таснифи берилди.

5. Хомашёлар ва тайёр маҳсулотлар таҳлиллари бўйича ўтказилган физик-кимёвий, иссиқлик-физик, ИҚ-спектрометрик, ренгенофаза, микроскопик каби комплекс илмий-тадқиқотлар тадқиқот натижаларининг ишончилигини таъминлади. Яратилган ФИСМларни 1100-1400 °Сда ишловчи кам қувватли енгил металлларни эритиш печларида қўллаш бўйича таклифлар берилди.

6. Олинган ФИСМларга «Бекабад огнеупор» ҚКда ва ЎзР ФА қошидаги «СТРОМ» ИТ ва ИМ, ҳамда НКМК Давлат корхонаси Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида ўтказилган синовлар бўйича ижобий хулосалар берилди ва бу ҳақда далолатномалар расмийлаштирилди. ФИСМлар НКМК Давлат корхонаси Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида енгил металлларни эритиш печларининг ички деворларини қоплашга тадбиқ қилинди. Натижада таъмирлаш давомийлиги 1,8 йилдан 2,5 йилгача узайгани қайд қилинди ва ижобий хулосалар берилди.

7. Ишлаб чиқилган ФИСМ экологик муаммоларни ҳал қилишда хизмат қилади ва иқтисодий ҳамда ижтимоий самарага эга. Таклиф қилинаётган технологиянинг техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоблари янги турдаги маҳсулот таннарҳининг амалдаги аналогларига нисбатан 2 баробар арзон эканлигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ**

**РАШИДОВА РАЪНО КАЙИМОВНА**

**РАЗРАБОТКА СОСТАВОВ И ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ  
ТЕПЛОИЗОЛЯЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ  
БАЗАЛЬТОВ АЙДАРКУЛЯ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/T983 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.karsu.uz](http://www.karsu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Курбанов Абдирахим Ахмедович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Сейтназаров Атаназар Рейпназарович</b> доктор технических наук
	<b>Искендеров Ахмет Максетбаевич</b> доктор технических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Бухарский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «24» сентября 2021 года в «14<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 при Каракалпакском государственном университете по адресу: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за №47 Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1).Тел.: (99861) 223-60-47.

Автореферат диссертации разослан «06» сентября 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №2 от «06» сентября 2021 года).

**Реймов А.М.**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

**Курбаниязов Р.К.**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, к.т.н., доцент

**Туремуратов Ш.Н.**

Председатель Научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире спрос на различные виды огнеупорных и футеровочно-теплоизоляционных материалов (ФТМ) растет год за годом. Причина этого обстоятельства заключается в том, что данные виды теплоизоляционных материалов широко используются в печах цветных и легких металлов, которые играют важную роль для развития отраслевой экономики. В связи с этим, большое значение приобретает разработка технологии получения ФТМ с высокими термическими и физико-механическими показателями на основе местного алюмосиликатного и керамического сырья.

В мире ведутся научные исследования по разработке футеровочных теплоизоляционных материалов, по использованию современных инновационных технологий для их получения, разработке высокотемпературных технологических процессов и режимов, материалов из дешевого сырья, устойчивых к высоким температурам, а также имеющих физико-химические свойственные показатели и экологическую чистоту. В связи с этим необходимо уделять особое внимание на обжиговые процессы, где на начальной стадии переработки сырьевых материалов происходят физико-химические изменения, происходящие у полуфабрикатов и их дополнителях, созданию керамически-кристаллической фазы, оказывающее различное влияние на объединение базальтово-каолиновой, шамотовой связки играющую роль связывающего звена, фракционный состав, а также определение влияния на образцов полученных на основе базальтов, каолина и шамота и разработка технологии получения оптимального состава.

В республике выполнен ряд научно-практических работ по внедрению передовых научно-обоснованных мероприятий и разработке технологий создания и производства новых композиций теплоизоляционных материалов для ответственных отраслей промышленности на основе базальтового и каолинового сырья существующих месторождений. В третьем направлении Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021 гг. отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»<sup>2</sup>. В связи с этим важно выполнить задачи по разработке технологии получения теплоизоляционных материалов на основе базальта месторождения Айдаркуль, каолина месторождения Карнаб и шамота, синтезированного из каолина.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

Президента Республики Узбекистан ПП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургических предприятий» и ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускорению развития химической промышленности Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В мире ведется ряд исследований по изучению способов обработки базальта, организации производства различных изделий, композиционных теплоизоляционных и металлоизоляционных материалов.

Результаты различных теоретических и практических исследований, касающихся свойств теплоаккумулятора на основе базальта, отражены в научных трудах А.Ю.Канаева, А.К.Кайракбаева, Е.М.Дятлова, Т.А.Вареникова, Elisa Moretti, З.Р.Кадырова, А.А.Турабаева, А.М.Эргашева, А.О.Третьякова, Е.В.Чекушина, Д.Д.Джигариса., М.Ф.Махова, С.Т.Токунова, Д.Д.Гуламова, Н.Э.Искандарова, И.Х.Хамрабаева, М.И.Искандаровой, А.А.Курбанова, В.Ш.Махмудова и других.

